

Шеърят бурчаги

Буни умр савдоси дейдилар

ДУНЁНИ АНГЛАМОҚ МУШКУЛ

4. Ажралиш сабаблари ва оқибатлари


Туркумдан		Мен севган	
Буюк одам		нарсалар	
Зонд бува деган мўсафид бўларди, Жуда камтар эди, бечора. Лекин сафсата сотмасди ортада, Вақтини ўтказмасди бекорга. Ўзидан кичикларга берарди салом, Севиб хурматларди инсонни. Сўзи ширин эди, Ранжитмасди қимирлаган жонни.	Амал нималигин билмади ўлғунча, Дала-ю кетмон бўлди амали. Лекин шаъни камаймасди бу билан, Қолмади обрўси ҳам ямалиб. У қазо этган кун тумонат йиғилди, Одам денгиздек мавжланиб ётди. Зонд бува бўлса покиза балиқдек	Шу уммон оша сузиб кетди... Инлар ўтиб, сал-пал шаштим қайтганда, Ўжар туйғуларим тинганда хиёل. Буюк одам ҳақида сўхбат кетганда, Кўз олдимга келар ўша чол.	Бўй-бастига завқим келиб бир кун Хаёт устуни буғдойни севдим. Бир кун хаёлимда бошланди Нега энди, деган кўзголон. Табнатдан нидо бўлди шу чоқ: «Севавер сўрамасдан, ай ўғлон!» Мен севдим оламни, Жами мавжудот Муҳаббатим билан йўғрилди. Мевасини кўрдим, севган нарсаларим. Дўстларим, шеър бўлиб туғилди. Темур УБАЙДУЛЛО.

Дақиқалар

Дақиқалардан иборат экан умр Билмайсан, оҳиста ўтаверар экан. Дақиқалари зоё кетган одамлар, Дод-вой қилиб тутайверар экан. Картошка, помидор экиб дақиқамни Бозорда қимматга сотиб ўтказди.	Гоҳида улфатлар билан отаиланиб. Юзта-юзта отиб ўтказди. Сайр ҳам қилди юрди Оламни кўрдим деб ўтказди. Бир гўзалга очдим севиб кенг кучоқ. Шарбат сўрдим деб ўтказди. Энди ўйлаб кўрсам энг зўр пайларим,	Бақувват дақиқам ўтиб кетибди. Афсус-афсус, яхши-яхши сатрларни Ҳаволарга битиб кетибди. Ҳавога ёзилганим, у ҳавойи-да, Нимани кутаман фалакдан?! Энди дақиқаларимни ҳадсиз олтинга Сотиб ололмасдан ҳалакман.
---	--	--

Медицина муассасаларида

Аллергология марказида



Р. Шарипов фотолари.

Инсон сўхат-саломатлигини муҳофиза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, айниқса аллергия хасталикларини вақтида аниқлаш ва даволаш шифокорларнинг шарофли бурчи. Бу борада аллергиялар иборатли ишлар олиб боришмоқда.

— Аллергия касалликларининг сабабларини аниқлаш уни даволашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрига қарашли республика аллергия марказининг раҳбари, медицина фанлари кандидати Озод Назаров. — Шу нуқтан назардан қараганда, аллергия марказимизда диагностика лабораторияси ва ўз соҳасининг моҳир врачлари беморлар доридини вақтида аниқлаб, яхши даволашмоқда.

Чиндан ҳам шундай. Республика аллергия марказида шифо топганлар бу ерда хизмат қилаётган медицина ходимларидан миннатдор бўлишади.

СУРАТЛАРДА: 1. Аллерго-диагностика лабораториясида (ўнгга) врач Д. Туратова ва лаборант С. Дўстмухамедова хасталик сабабини аниқлашмоқда. 2. I-категорияли аллергия врач бўли мудири М. Раҳимова бемор билан сўхбатда.

САВЗИ
«Зотилжам ва давомли йўталга фойда қилади... Ҳазми қийин, мураббосининг ҳазми эса енгилдир.
Сабзи, айниқса, ёввойи сабзининг уруғи ачқ оғриқларини босади. Қаттиқ пешоблатида, хусусан, ёввойи сабзи, айниқса унинг уруғи, япроғи ҳам шу таъсирларни беради».

Сабзи — соябонғулдошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили илдиозиди барглари ва илдиозега, иккинчи йили эса поя ҳосил қилади. Пояси тик ўсувчи, тунли, илдизли, ичи қовاق, юқори қисми шохланган. Барги оддий, кўп марта патсимон ажралган. Гуллари муррак сабонга тўпланган. Меваси — кўшалоқ писта.

Сабзининг илдижевасида турли витаминлар — В1, В2, В6, РР, С, К ва бошқалар, ферментлар, эфир мойи, ёғ флавоноидлар бор. Шунингдек, икки организм учун гоёт фойдали орган калций, фосфор ва темир тузлари мавжуд. Шунинг учун ҳам сабзи киши организмнинг, айниқса, ёш болалар организмнинг мутаносиб ривожланиши учун жуда зарур.
Республикамизда сабзининг қизиқли мивозий, сариқ мивозий, мушак сабзи, шатане каби навлари етиштирилди.
Сабздан халқ табибатида ва илмий медицинада шифобахш ўсимлик сифатида фойдаланилади.

ПОЛИКЛИНИКА ЯНГИ БИНОГА КЎЧДИ
Ўзбекистон пойтахтининг Собир Раҳимов районидagi поликлиника беш қаватли кенг ва ёруғ бинога кўчиб ўтди. Поликлиника бир еттидан 600 кишини қабул қилишга мўлжалланган. Кўп йиллардан бери ноқулай бинода ишлаб келган поликлиника Олимпия, Тансқобев ва Медицина шаҳарчаси мас-

дан ортиқ шифобахш ўсимликларга берган таърифи ва уларнинг ботаникисини ҳақида маълумотларини келтирган. Қўйда азия оқшомконларга ана шу шифобахш ноз-неъматлардан баъзиларининг хосиятлари ҳақида мақолаларини ҳавола этамиз.

Шолғомнинг эти серсув, оқ ёки сариқ, кўндаланг кесилганда унинг ўртасидан четига борган нурдан йўллари бўлади.

ТУРП
«...Унинг энг кучли нарсаси уруғи. Пиширилганининг озиқлиги кўпроқ.
...Унинг қайнатилгани эски йўталга... фойда қилади... Овқатдан кейин ейилса, ичти юмшатади ва овқатни ўтказди... Сирпа билан аралаштирилган уруғи қаттиқ кустиреди...
... (Турпнинг) барги ва баргининг сувини жигардан тинчлатилган оқиди ва сариқ касаллигини йўқотади.
...Уруғи эса қориндан елни тарқатади, овқатнинг чиқиб кетиши осонлаштирилади, иштаҳани оширади ва жигар оғригини қолдиради.

Турп — буттулдошлар оиласига кирди, илдизи йўғон, бир ёки икки йиллик ўт-ўсимлик. Пояси йўғон, барглари ўйилган тишсимон, юқоридаги гулли бутун, юмалоқ ёки узунчоқ, оқ пушти рангли гуллари шингилга тўланган.
Ўзбекистонда турпнинг маҳаллий навларидан Марғилон узунчоқ турпи ва Марғилон юмалоқ турпи етиштирилади. Турп кўзда энг салқин мавсумда етиштирилади. Бу мўддатда эммадан турп кузнинг салқин шамолларида ўсиб, карсиллама этли ва ширин бўлиб етишади.

Анвар МАДРАХИМОВ.

Муолажанин
қадимий усули
Шарқ табибатида қадимдан маълумки, кўнгина хасталикларга доривор ўсимликлар шифо бўлиб келган. Шаҳримизда ҳам бундай шифобахш ўсимликлар билан савдо қилувчи махсус дорихоналар талайгина. Лекин уларга боришдан олдин ҳар бир бемор малакали врачдан дардига дармон бўладиган шифобахш ўсимлик ҳақида аниқ ахборот олиши, ундан фойдаланиш усулларини таниши бўлиши керак. Ҳўн, бундай масалат ва йўл-йўриқни қаердан, қимдан олиш керак?

Бу ҳақда энди ҳамшаҳарларимиз ташвиш чекмасалар қабул бўлади. Тошкент давлат медицина институтининг I-клиникаси қошидаги консультатив поликлиникада анчадан бунён беморларга хизмат кўрсатиб келётган «Шифокор» кооперативиди янги тури билан шуғулланувчи фитотерапия кабинетини очилди.

Бу ерга ташир бўлган беморлар малакали врач-консультантдан доривор ўсимликлар ёрдамида хасталиклардан қутулиш учун лозим бўлган барча зарурий tibbiy ёрдамни оладилади. Фитотерапевт беморларни ҳафтанинг дунанба ва жума кунлари соат 18 дан бошлаб қабул қилмоқда.

Муолажанин янги тури, айниқса, невроз, гастрит, колит, вегетоневроз, бўйрак жигар ва бошқа касалликларни муваффақият билан даволашда жуда қўл келади.

Беморларни ТошМИ клиник фармакология кафедрасининг ўқитувчиси, медицина фанлари кандидати, врач Баҳодир Рустамов қабул қилмоқда.

А. ДАМИНОВ.

Келинчақ ўзининг уч хислати билан: уй ишларига ағилч бўлиши, хуш одоб, зийраклиги, фаросатлиги билан қайин-бўйиларини ҳам манун этади. Улар олдига хурмати ошади. Бундан ўзининг ҳам юзи ёруғ дили чарогон бўлади.

Ҳаётини мисолларга назар ташлайлик. Ҳаётда ўз бахтини бой берган жувон шундай ҳикоя қилади: «Институтин тамомлайдиган йилим турмушга чиқдим. Тузуккина

хонадонга келин бўлдим. Ҳуснин ҳам бор. Орқам билан битта соч. Лекин келин бўлганда кейин қараб туролмайсан. Юмуш қилишинг керак. Қизлик пайтида уй ишларига унча уринмаганимдан, бу ерда ишга қовушолмай тоза қийналдим. Таъналар эшитдим. Уйимизда ҳамма юмуш ойма билан келивойимдан ортмас эди. Биз қилган иш оймага ёқмасди. Мен «ўйинг бўлса бас», деб юрaverибман. Ҳаётнинг бу тарафларига ақлим етмабди. Қайнаган икки талпинг бирди: «Бунча зийраксан, уй тутишин билмасанг, эрини эслаб олмасанг, ўлиб бўлдим, сендек ношуд келиндан», дерди. Эрим ҳам бора-бора онанинг томонига ўтиб олди. Мени ҳақоратлайдиган бўлди. Мен бўлсам бу аламларга қандай олмадим. Уйга бориб онамга кўз ёшимни тўкардим. Ахир бўлмади, битта болалик бўлганимизда ажралишдик. Уй-ласам ўзимдан ҳам хатоллик ўтган экан... Хотин бўлиб уйга кўнгул қўймадим, эримга тузулроқ равиш қилишни ўйламадим, қайин-бўйиларимнинг кўнглини ололмадим. Оқибат унинг бўлиди. Бироқ, бу ўрнида қайнамадан ҳам домонгир бўлам, ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, дерди. Ўз боласидек кўриб, билмаганларимни юзимга солмай ўрғата қолса бўлмасди?! Еш новда эдим, эгилардим, албатта. Лекин энг аччиги, юрагимни йиллар давомида эзиб келатган аламли нарсаси — фарзанд доғи. Аччиқ қилиб етти ойлик боламни қайнамага ташлаб кетибман. Бола бечора она меҳрига қонмай дунёдан ўтди. Ҳаёт мени қаттиқ жазолади. Уч марта уй қилдим. Аммо фарзанд кўрмадим. Қандай қилиб, гўдакнинг қаршига учрадимми? Тирноқча зор бўлиб қолдим. Бунинг учун ўзимни ҳеч кечиролмайман. Энди мининг пушаймон бўлман. На чора, ҳаммаси бефойда экан!»

Одатда оила бузилиши, бир ёстиққа бош қўйганларнинг ажралиши ҳаётдаги ноҳусу воқеаларнинг биридир. Ҳеч бир йигит-қиз аҳду паймон билан турмуш қўраётганда ажралишни кўзламайди. Демак, ажралиш — оилавий муносабат мутаносиблигининг бузилиши натижасидир.

Афсуски, оила бузилишидан икки томон — эр ва хотинга кўнгулсизлик учраб қолмайди. Кўпроқ бундан орадаги болалар озор чекядилар. Юқори синф ўқувчиси Ўзган иншонинг қуйидаги сатрларига эътибор беринг: «Дадам, ойм ва мен бирга яшардик. Дадам бизни жуда яхши кўрадилар. Дам олиш кунлари уччаласми сайрга чиқардик. Аввалги ахил яшаганимиз. Лекин ойм дадамга: «Сиз ҳам одамларга ўхшаб пул топишни ўргансангиз-чи, қачонгача маорға яшайми, мен ҳам яхши кийингим, курортларга боргим келади», деб ҳархаша қиладиган одат қилдик. Дадам эса ҳеч нима демасди. Кейинчалик ойм арзимас нарсаларга жанжал кўтарадиган бўлди. Дадамни «гадоивачча» деб ҳақорат қилдик. Мен йиғладим. Дадам ортиқ чидай олмай уйдан кетиб қолди. Бувим ҳам оймнинг ёнини олдилар. Шу-шу ойм иккимиз қолганмиз. Зерикамиз. Дадам бошқага ўйландилар. Фарзандли бўлишди. Мен билан баъзан кўришиб турадилар. Шунда ҳеч ажралгим, уйга ёлғиз қайтигим келмайди. Роса йиғлагим келади. Аммо кўз ёшимни оймага кўрсатмайман. Чунки кечалари ойм ҳам мендан яширинча йиғлагиларини кўрганам. Яна эзилмасинлар дейман. Юрагим сезиб турибди. Ойм ўшанда тузати бўлмас хатога йўл қўйганларини тушунадилар. Афсуски, кеч... Менинг айбим нима? Нега мен ота меҳридан маҳрум бўлишим керак?!»

Ҳаётда бу каби болалар мусибати учраб туради. Статистик маълумотларга қараганда СССРда ҳар йили 18 ёшгача бўлган 700 миңдан ортиқ бола ажралиш туфайли ота ёки онасиз қолади. Жамиятимиз ажралишлар камайиши ва оилавий ниқоҳлар мустаҳкамланишидан манфаатдордир. Ахил ва мустаҳкам оилада инсон руҳи ривож топади. Натижада унинг ишлаб чиқаришдаги ва иқтимоий фаолияти активлашади. Соғлом ниқоҳли оилаларда болалар тарбияси ҳамда томонлар муносабати ижобий ҳал этилаверади. Шунинг учун оила мустаҳкамлигини сақлаш социал масала сифатида аҳамиятга эгадир.

Аммо бу давлат ва жамият умуман ажралишга қарши деган гап эмас. Чунки ҳаётда асосли ажралишлар ҳам рўй беради. Масалан, томонлардан бирининг руҳий касаллики чалиниши, спиртли ичимликка муккасидан кетиши, жиноятчиға айланиши каби ҳолларда ажралиш иккинчи томонга ҳамда болаларга енгиллик туғдиради. Аммо бу ажралишнинг умумий белгиси эмас.

Таъриба кўрсатадики, аксарият ҳолларда ажралишга ёш эр-хотинда мастулият ҳиссининг йўқлиги, ниқоҳдан ўтиш ва оила қўришга енгилтаклик билан, жиддий бўлмай қараш, оилавий ҳаётга тайёр эмаслик, турмуш қийинчиликларига бардош беролмаслик кабилар сабаб бўлади. Яна ажралиш, аксарият ҳолларда эр ташаббуси билан рўй беради. Айниқса, ёш йигитлар ажралиш ва унинг оқибатларига енгилтаклик билан қарашади. Кейин эса пушаймон қилишади.

Кўп ажралишлар ота-оналарнинг ёш оила ишларига ўринсиз аралашуви орқасида ҳам содир бўлмоқда.

Гап шундаки, ота-оналар уйланиган ўғилга, турмушга чиққан қизига энди воқта етган, ўз фикри, мулоҳазасига эга бўлган ёшда деб эмас, балки «халим бола» ҳалибила муомала-муносабатда бўладилар. Мустақил ўзлари оилани бошқаришларига имконият бермай, ҳўда-беҳўдага аралашавериш ёшларинг беэдриб ўзларидан бегона қилиб қўядилар, ҳатто оила бузилишигача бориб етади бу. Ёш оилаларнинг илдиэ отиб, мустаҳкамланиб боришида атроф-муҳит, оила таъти, ота-она раҳнамолиги муҳим роль ўйнашини унутмаслик керак.

Ҳаммага маълумки, оиланинг асоси меҳр-муҳаббатдир. Узаро меҳрибонлик, оиланинг барча аъзоларига нисбатан самимий ҳўрмат, эр-хотин ўртасидаги ишонч ва эҳтиром — муҳаббатнинг аққол ифода-сидир.

Ёшлар орасида шундайлар ҳам борки, ўзиничи ҳис-туйғу билан қаҳийи муҳаббат ўртасидан фарқин аниқламасдан бир умрга бахтсиз бўлиб қоладилар ёки оила қўришининг асоси муҳаббат эмас, балки иқтисодий осойишталик, бекам-кўст яшаб деб билдилар. Бундай фикрлаш яшаш чанглиқлар. Муҳаббат табииатнинг туллатувчи, дилларин яратувчи, янги-дан-янги куйлар яратувчи бир мўъжизадир.

Турмушда муҳаббатни поймол этиш, иқтимоий тенгликка риоя қилмаслик, худбинлик, ўзибилармонлик, дидсизлик ва шунга ўхшаш бошқа нуқсонлар оилада иштифолнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Халқимиз, оиланинг бахти тотувликда, уйда роҳати йўқини — кўчада фароғати йўқ, дейди. Оилавий моҳарола натижасида кини руҳан азоб чекади, эр-хотиннинг асаби бузилди, иш қобилияти пасаёди. Оилавий ҳаётда эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар муҳаббат билан чегараланиб қолмайди. Мазъавий ҳамфирқин ҳам керак. Шунинг учун гоёт бой ҳаётин тажрибага эга Н. К. Крупская муҳаббат ўз йўлига, биргаликда яшаш учун яна эътиқодлар бирлиги ҳам бўлиши керак, деган эди.

Аёл киши кўп нарсани билгани яхши. Чунки турмушда ҳаммаси керак бўлади. Умуми, бирор ҳаётга эга бўлиш билангина маъмули ҳаёт кечирин мумкин, деювчи кишилар қаттиқ янглишадилар. «Бошига тушса ҳамма нарсаларга кўниқиб кетади», деган иборани кўп ишлатамиз. Қиз бола турмуш кўрғач, ўша оиланинг домига тушиб кетади, деб ишонамиз. Бироқ янги оиланинг домига тушиш осон иш эмас. Бунинг учун келинчақ ўзининг яхши томонлари билан уларга ёниши керак.

Келинчақ ўзининг уч хислати билан: уй ишларига ағилч бўлиши, хуш одоб, зийраклиги, фаросатлиги билан қайин-бўйиларини ҳам манун этади. Улар олдига хурмати ошади. Бундан ўзининг ҳам юзи ёруғ дили чарогон бўлади.

Ҳаётини мисолларга назар ташлайлик. Ҳаётда ўз бахтини бой берган жувон шундай ҳикоя қилади: «Институтин тамомлайдиган йилим турмушга чиқдим. Тузуккина

хонадонга келин бўлдим. Ҳуснин ҳам бор. Орқам билан битта соч. Лекин келин бўлганда кейин қараб туролмайсан. Юмуш қилишинг керак. Қизлик пайтида уй ишларига унча уринмаганимдан, бу ерда ишга қовушолмай тоза қийналдим. Таъналар эшитдим. Уйимизда ҳамма юмуш ойма билан келивойимдан ортмас эди. Биз қилган иш оймага ёқмасди. Мен «ўйинг бўлса бас», деб юрaverибман. Ҳаётнинг бу тарафларига ақлим етмабди. Қайнаган икки талпинг бирди: «Бунча зийраксан, уй тутишин билмасанг, эрини эслаб олмасанг, ўлиб бўлдим, сендек ношуд келиндан», дерди. Эрим ҳам бора-бора онанинг томонига ўтиб олди. Мени ҳақоратлайдиган бўлди. Мен бўлсам бу аламларга қандай олмадим. Уйга бориб онамга кўз ёшимни тўкардим. Ахир бўлмади, битта болалик бўлганимизда ажралишдик. Уй-ласам ўзимдан ҳам хатоллик ўтган экан... Хотин бўлиб уйга кўнгул қўймадим, эримга тузулроқ равиш қилишни ўйламадим, қайин-бўйиларимнинг кўнглини ололмадим. Оқибат унинг бўлиди. Бироқ, бу ўрнида қайнамадан ҳам домонгир бўлам, ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, дерди. Ўз боласидек кўриб, билмаганларимни юзимга солмай ўрғата қолса бўлмасди?! Еш новда эдим, эгилардим, албатта. Лекин энг аччиги, юрагимни йиллар давомида эзиб келатган аламли нарсаси — фарзанд доғи. Аччиқ қилиб етти ойлик боламни қайнамага ташлаб кетибман. Бола бечора она меҳрига қонмай дунёдан ўтди. Ҳаёт мени қаттиқ жазолади. Уч марта уй қилдим. Аммо фарзанд кўрмадим. Қандай қилиб, гўдакнинг қаршига учрадимми? Тирноқча зор бўлиб қолдим. Бунинг учун ўзимни ҳеч кечиролмайман. Энди мининг пушаймон бўлман. На чора, ҳаммаси бефойда экан!»

Хотир ёлғизман. Яхши ҳам ишим бор экан, овунаман. Онам ҳаётлар. Бошқа-бошқа яшаймиз. Қариндош-уруғларим ўз ҳўзур-ҳўловати билан.

Қизинг бахтсиз бўлишига шўбҳасиз она ҳам айбдор. Она қизинг келажигини ўйлаб, уни ҳаётга тайёрлаши, иш ўргатишда сабр-тоқатли бўлиши керак эди. Уйда бўйига етган қиз бола туриб бутун юмушни келин устига юклash билан унинг меҳнатга бўлган ҳавасини, ташаббусини бўғиб қўйган, рўзгор ишларига қўл урдирмай иқтибрийи ўзинга ташлаган. Қизи уйдан нолиб келган вақтларда уни юпатиб, насиҳат қилиб жўнатмади. Унинг ўрнига: «Ҳа, ўша бемаъни қайнаган курсин, қўйвер, тор қоринига сиққан, кенг уйимга ҳам сиғиб қоларсан», деб қўнглини икки ёқли қилган...

Ажралишларнинг сабабларидан бири — бу бўлгуси кўёв билан келинга ҳамма нарсаси зоб-зийнат, данғиллама уй, ҳатто уй жиҳозларигача тайёрлаб қўйишидир. Нима учундир ота-оналар боланинг уйлари экан, тўй ҳаракатларини ўзи пешона тери билан ишлаб топсин, йўзи ҳам ўзи қўрсин демайдилар-да, йил-ўн икки ой меҳнат қилиб, бор-бутларини «ўғилнинг бошини икита» қилишга сарфлайдилар.

Натижа шу бўладики, ҳеч нарсаларга бели оғринмаган, елкаси офтобда қуймаган, ҳамма нарсаларга осонгина эга бўлиб олган «кўёв тўра» меҳнат, зўр қийинчиликлар, тежаб-тергашлар эвазига бунёд бўлган буюмлар қадрига етмайди. Келин бола билан ораларида сал кўнгулсиз гап ўтган кунни охир-оқибатини ўйламай, хотиннинг баҳридан ўтиб юбораверади. Агар ўша кўёв бироз машаққат, азият келиб, елкаси офтобда қуйиб, гишт қуйиб, лой қориб, қурилиш материаллари йзлаб, ниқоҳт ўзинга уй қурганда, уй анжомларини ҳам пешона тери билан ойнай маошини тўлаб солиб олганда эди, рўзгор бузилиш аъвал дўпини ерга қўйиб, бироз мулоҳазасига борар-миди, оила сақланиб қолармида?

Умуман, ҳаётини кузатишдан ниқоҳнинг бекор бўлишига олиб келатган сабаблар қуйидагилар эканини кўрсатмоқда:
1. Келин-кўёвлар оила турмушига ота-оналарнинг ўринсиз аралашуви;
2. Умр йўлдошини маълум «мақсад»ни қўзлаб таллаш, бўлажак қайната-қайнагининг мансаби, обрўси, бойлигига қизиқиб, қизнинг ҳўсни-жамолига ёки йигитнинг мутахассислигига унчи.
3. Янги оила шароити билан ҳисоблашмаслик;
4. Оилада «тенглик қонуни»нинг бузилиши;
5. Эр-хотин характери тўғри келмай қоллиши;
6. Ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатоси;
7. Хотиннинг уй-рўзгор тутта билмаслиги;
8. Эр-хотиндан бирининг иччиши;
9. Эр-хотиндан бирининг бевафоллиги;
10. Узоқ мўддат фарзандсизлик қабили.

Ажралиш натижасида томонларнинг кейинги ҳаёти аввалдесидан бутунлай фарқ қилади. Айниқса, фарзандлари билан қўлдан аёл учун бу жуда кўп муаммолар мажмуасидир. Гарчи боланинг отаси нафақа тўлаб турса-да, оиланинг иқтисодий бошқариш энди кескин ўзгаради. Қатор қийинчиликлар келиб чиқади. Бунинг ўзинига эмас. Томонларнинг характерлари, одат ва диллари, воқеа - ҳодисаларга муносабатлари, топши - тутиши, қариндошларо мулоқотлар ўзгача қўришни насаб этади. Ота-оналар ажралишдан оила фарзандлари улардан бирининг меҳрига қонмай, ярим кўнгли бўлиб қоладилар. Бундай болалар гоёт эмоционал, ҳис-туйғуга берилувчан, арзамас мақтов, танбўхши ҳам кўнгулга жуда янги олувчи ёки асинча, тошмеҳр, лоқувд бўладилар. Яъни улар кескин фарқларнинг характерлари билан бошқа болалардан ажралиб турадилар.

Ажралишнинг кўнгулсиз оқибатларининг олдини олиш учун эр-хотин оилани сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилиши зарур. Оилавий ҳаётда келинмочиллик, тортишув, ҳатто жанжаллар бўлиши мумкин. Аммо улар оила бахтини бўзмасин, хўрланиш ва камситишларни келтириб чиқармасин. Бир-бирининг камчилигини тоқтатиб бўлиш, ўз камчилигини таҳлил қила биллилик оилани асраш ва мустаҳкамлаш шартларидан биридир.

Ойнашон ТУРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати, доцент.

Уй-рўзгор ташвишида

«Тиллоранг пўчоқлар»нинг фойдаси

Маълумки, айни қиш пал- лаларида цитрус мевалари бўлмиш лимон, апельсин, ман- дарин, грейпфрут истеъмол этилади. Бу табиат неъматла- рининг хосиятлари барчага маълум бўлса-да, уларнинг пўчоқлари қадрига етмайди- ганлар ҳам бор. Пўчоқлар оғдатда ташлаб юборилади. Ваҳоланки, маақур тиллоранг пўчоқларнинг олтинга арзи- гулик хосиятлари мавжуд. Цитрус меваларининг пў- чоқлари захарли ҳамда зар- рарли ҳаётларнинг қу- шандаси ҳисобланади. Меза пўчоқларидан ажратиб олинув- чи эфир майларни хонаки пашпапар, қумурсқалар, кулранг чигирткаларни ки- риш, ҳайдаш хусусиятига эга. Улардан куя капалакла- рини ҳайдашда фойдаланиш ҳам мумкин. Цитрус мевала- ри пўчоқларини турли озиқ- овқат маҳсулотлари сақла- надиган қутн, ғаладон, шкафлар нчига солиб қўйса бўлади.



Қишнинг энг совуқ давлари спорт билан астойдил қизиқувчиларга писанд эмас. Сабоби спорт — бу чиниқш дмак. Ҳозирги кунларда ҳам шахримиз- даги зилол сувлари мавжлиниб турган

Анҳорда эшакка эшувчиларни учратиш, уларнинг қаққоли билан ҳаракат қи- лишларини кузатиш мумкин.

Т. Каримов фотоси.

Уруғи керак бўлади...

Қовоқдан нечоғлик лаз- затли ҳамда шифобахш та- омлар тайёрланишини қар- ииб барча уй соҳибалари билишади. Шунга айтиш ке- ракки, қовоқнинг минг би- ринчи хосияти — у ҳам бўл- са, уруғларнинг бекор гижжа қайдаш хусусияти- дир. Шу боисдан қовоқнинг қайси янги бўлишидан қатъ- ий назар уруғлари аж- рағиб, покиза қовоқ ёки мато устида сунъий ҳаро- ратси қуритиб олиниши ло- зим.

Гижжа тушириш учун қо- воқ уруғини ейиш тавсия этилади. Бунинг учун мағи- зи пўстлоқларидан ажрати- либ (мағиз атрафидан қу- кимтир парда сақланиши ке- рак), 300 грамм миқдориди- гиси (катталар учун) тоза ҳавончада янчилади. Янчи жарайида 10-15 томчи сув қўшиб турилади, сув миқдо- ри 50 граммдан ошмаслиги керак. Маҳсулотга бир оз шира бериш учун бир ош қошқасал ёки мураббо ҳам қўшиш мумкин. Аралашма тайёр бўлган, наҳорда исте- моль қилинади. Уч соатдан сўнг бекорга сурги дориси ичирилади (канакун- жут мойи берилмайди), ҳуқ- на қилдирилиши ҳам мум- кин.

Доно ХУҲАЕВА, доршунос.

Латифалар

Насриддин Афанди кўча- дан ўтиб кетаётеди, бир хона- дондан эру хотиннинг овози эшитилапти. Афанди улар- ни муросага келтириш учун ҳовлига кириди. Эри хотини- га «Жиннисан» деса, хотини «Эзинг жинни» дээр, тиймай бир-бирини ҳақоратларди.

— Ҳой, қўшинлар! — де- ди Афанди. — Ким жинни эканлигини аниқлаш учун шунча жанжалми? Бир гап- дан қолшини хоҳламайсиз- ларми? Иккалангиз ҳам жин- ни экансизлар. Кўнглингиз тўлдими? Энди жанжални бас қилинлар!

Эру хотин бирдангина жи- миб қолишди. Кўзларини ола- кула қилиб бирдангина Афандига ёпишишди:

— Эзинг жинни, аҳмоқ... — Тўғри айтасизлар, — деди эурга кўчага қочиб чиқ- қан Афанди. — сизларни ажратишга уринган одамнинг ўзи жинни!!!

*** Афанди ҳар сафар киос- кадан газета олганда, сотув- чи «Майдам йўқ экан» деб, бир тийин-икки тийин олиб қоларди. Кунлардан бир кун у сотувчига илгари олиб қол- ган қайтиларини тахминан ҳисоблаб, бир қанча газета ва журналлар олди-да пул бермай кета бошлади.

— Ҳой, Насриддин, пулни тўламадингиз-ку, — де- ди киоскчи ҳовлиқиб.

— Майдам йўқ экан, — деди Афанди кулб, — сиз ҳар кун «Майдам йўқ экан» дейсиз, биз ҳам бир марта айтсак айтибмиз-да!


Баҳром ТОҶИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Тунги шаҳар бўйлаб троллейбус кезади

Бекатларни ортада қол- дириб, троллейбус ишдан, ўқишдан қайтаётган ҳам- шаҳарларимизни ўзининг шинам салонига қорлай- ди. Манзилимизга тез етиб олган, кўпинча ҳай- довчиларни миннатдор- чилик билан эслаймиз.

СИЗ ЕШЛАРНИ БИЗ ТРОЛЛЕЙБУС ВА ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЕРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ



Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда трамвай ҳайдовчилари тайёрла- надиган курсларга 20 ёшга тўлган, троллейбус ҳайдовчилари тайёрла- надиган курсларга имтиҳон топириладиган вақтга келиб 21 ёшга тўлган йи- гит ва қизлар қабул қи- линади.

Трамвай ҳайдовчилар — 5 ой, троллейбус ҳай- довчилар — 6 ой ўқиша- ди.

Ўқиш трамвай-трол-

лейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ўқув комбинатида ва 23-ўрта ҳунар-техника билим юр- ти базасида олиб борила- ди.

Ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўм стипендия тўла- нади ва электр транспор- тда бепул юриш учун гувоҳнома берилади. Ҳайдовчиларнинг ой- лик маоши 280-300 сўми ташкил этади. Жамоат- чи контролёрлик қилгани учун ҳайдовчига қўшим-

ча равишда ундирилган жариманинг 75 проценти тўланади. Елғиз кишилар ётоқ- хона билан таъминлана- ди.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга, трам- вай-троллейбус ишлаб чи- қариш бошқармасига му- рожаат этинг: 700000, Тошкент шаҳри, Широ- ка кўчаси, 6-уй. Телефон 33-58-71.

ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.

Зигирпоя толасининг жилваси



Зигирпоя толасидан тўқилган газламалар кўркам, модали, пишиқ бўлади. Улардан хотин-қизларнинг кўй- лак ва сарафанлари, дарпардалар ва чойшаблар, дастур- газ ва сочқалар тикилади. Зигирпоя толасидан тўқилган газламалар бўёқларнинг ёркинлиги, турфа ранг гуллари билан кўзни қувонтиради. Ана шу газламанинг яна бир ажойиб хусусияти бор: ювилган сайин оқариб, майин- ланиб боради, кўшда ранги айнаймайди. Лавсан эса унга янги сифатлар бағишлаб бу газлама- нинг шухрати ва афзалликларини янада мустаҳкамлайди.


«РУССКИЙ ЛЕН» МАГАЗИНИ ХАРИДОРЛАРИ БАЙРАМ АРАФАСИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Магазинда кенг ассортиментда чойшаблар, дастурхон- лар, сочқалар, кўйлақлар ва дарпардалар газламалар, чойшаблар газламалар бор. Зигирпоя буюмлар зарур ва ёрқинли совға бўлади. Магазин адреси: Шота Руставели кўчаси, 45-уй. Транс- порт: 4, 7, 9, 11, 28-трамвайларнинг, 13, 16-троллей- бусларнинг «Киров парк» бекати.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕТОРГ» (телефон 78-72-42).

Еттинчи қаватдаги ёниб турган чироқ бизники...

Иссиқ, оромбахш уй чи- роғи... Унга кўзингиз тушганча, кайфиятингиз ҳам кўтарилади. Чироқлар байрам тантаналари, осу- да суҳбат, меҳнат қи- лиш, дам олиш учун ўзи- га хос муҳит вужудга келтиради. Чиройли, ярақлаб турувчи қандил- нинг ёркин нури қувноқ, кўтаринки кайфият ҳо- сил қилади. Байрам кун- лари хонадонимизда ай- нан шундай қандиллар ёқилади. Стол лампаси- нинг майин, чекланган жойини ёритувчи нури сизни бамисоли атроф- муҳитдан ҳоли қолдир- гандек бўлади, девор чи- роқлари эса дахлиз, ётоқ- хона ва дам олиш ҳо- ларининг ўзига хос бе- зағидир.



Шахримизнинг «Ман- ший техника» магазини ва бошқа хўжалик мага- зинлари харидорларга қу- йидагиларни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

қуч, тўрт, беш лампали қандилларни. Нархи 22 сўмдан 35 сўмгача;

«ТАШХОЗТОРГ».

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

Т УҒРУҚХОНА дояси аллақим би- лан телефонда қуёқ гаплагиб Утригандан хонанинг ойнаванд ўшиги ёйқиллаб очилиб, анага пилдираб кир- ди. Доя телефон дастагини жойига қўйди:

— Ҳеч нарсга тушунмайман, қанақа маст, қанақа боласи экан, шоммай гапирсангиз-чи.

Хола «хўш» деди-да, худди қўлига чўт тутган сотувчидай сўзларни тера бошлади:

— Зикрия Сидоровна, гап бундоқ! Энди челагимга сув тўлдириб, тена қаватга кўтарилаётган эдим — ёпи- рай, қўрқиб кетдим, бир маҳал йўлак эшиги тақира-туқур қилиб кетса бў- ладими. Ер бундай қийинламайди, носинини ичимга ютворай дедим-а. Кей- ин: «Йиқилиб тинчлик бўлсин-да!» деб бориб эшикни очсам, аввалига кў- ча қоронги бўлганига танимадим, би- ронта жувоғини, деб ўйладим-да. Қа- расам ёлғиз...

— Кейин-чи. Хафа бўлмагн-у, жа чайнаиб кетасиз-да.

— Шунасизлар-да, Зикрияxon. Тез гапирсам тушунмайсиз, секин га- пирсам... Хуллас, ҳаляги жувоғимас, роса анувақани ичиб олган барзан- ги йиғит эғлиб турган экан, оёғида зўрға турибди. «Хи, сизга ким керак йиғит?», деганини билмаман. «Сиз», деб мени шартга кўтарволса бўлади- ми, кўзларим тийиб кетди. У бўлса нуқул «Тез мени ўзгирини олушингиз, кўраман-у кетаман! Вақтин йўқ!» дейди. Мен: «Хў, ўғлим, эсингни еганмисан?! Ҳозир ярни кеча бўлса, бор, уйингга жуна, мен ҳам чар-

чадим» деса, қаёқда: «Кўрмагунча кетмайман» дейди. Кейин...

— Кейин нима бўлди? — сабр ко- саси тўлди Зикриянинг. — Е бўйига осилволиб юравердингизни, у ёқдан- бу ёқда? Гапирсангиз-чи, қисқароқ қилиб.

Турмуш чорраҳаларида

Доя эшилди

— Қўйсангизчи, Зикрияxon, зарил келгани. Арақ ичган экан, ҳиди кўн- глини аянтворай деди. Ха, кейин: «Сиз шу ерда туринг, мен ҳозир оп- чиқаман», деб лақиллатиб келатган жойини.

Шу пайт хонага чайқалиб-чайқалиб йиғитнинг ўзи кириб келди. — Қани бизни жигар, ўв, хола, қани? Тоза тулак экансиз-ку!

Хола ҳайиниб, доянинг панасига ўт- ди. Доя вақтинчи қалтислигини кў- риб:

— Яхши, ҳозир кўрасиз, хотинни- гизнинг фамилияси нимадир? — деди. — Мана бу нампир билади. Хайбаро- ва, Она, сиз ўзингиз гапга тушунма- ганга ўхшайсиз. Югуриб чиқиб, биз-

нинг тойчоқни оптушинг. Кўраману кетаман. Агар оптушмасаларинг... Кўрмагунча кетмайман, билдиларинг- ми? Хиқи...

Доя бундай хангомаларга биринчи мартаба йўлқайётган бўлса ҳам ўзи- ни оғир олди. Чунки маст одам би- лан шу ерда тўналон кўтариб юра- дими. Майли, курса кўрақолсин... Кейин холага бурди:

— Болалар хонасида Хайбаровни кийинтириб олиб тушинг. Бу йўлак- ларимиз ҳам совуқ, шамоллаб қола- ди. Сиз эва, ўртоқ Хайбаров, шарт- миз шу — курсасу, чурқ этмай қо- рангизни ўчирасиз!

Хўш, хўш, ожақон! Сал ўтмай туғруқхона йўлагига доя қўлида йўрғакланган қақалоқ би- лан чиқди.

— Шарт эсингиздан чиқмасин-а. Хайбаровнинг юзига табассум югу- риб, доянинг халати чўнтагига ўн сўмлик тийиб қўйди:

— Бу кўрманаси, қани энди юзини очинг-чи!

— Доя қақалонинг юзини хилд оч- ди-да, эшилди кетди:

— Буни қаранг-а, худди ўзингиз- га ўхшаркан-а, кўчқордек. Юзларини қаранг-а, юзларини, вай онаг қоқин- дай! Ширинтой, асалтой, Дадажон- си, куйлакчаларини ҳам ечиб кўрсат- тайми?

Зояр ТУРСУНОВ.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/II де Пикова дама, 17/II де Уйқудайи ғўзал. ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/II де Намот нстаб.

МУКМИЙ НОМИДАГИ ЎЗ- БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕ- АТРИДА — 16/II де Нурхон, 17/II де Кампир кетармиш (19.00, премьер).

Кино

16 ФЕВРАЛДА БАДИЙ ФИЛЬМАР:

Санъат саройи — «КИНГ- КОНГ ТИРИК» (катта зал, 18.30, 20.40); «МЕНИНГ ИСИМ АР- ЛЕКИНО» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30); «АЖДАХОНИ УЛДИ- РИНГ» (21.00).

Тошкент Советининг 50 йил- лиги — «МЕНИНГ ИСИМ АР- ЛЕКИНО» (18.30, 21.00).

Ватан — «КИНГ-КОНГ ТИ- РИК» (18.30, 20.45).

Қозоғистон — «МЕНИНГ ИС- МИМ АРЛЕКИНО» (17, 18, 20.00).

Искра — «ТҮРТ ОҒАЙНИ» (17, 20.00).

К. Ерматов номи — «АНГ, СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» (17, 20.00).

Москва — «КАМИЛА» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40); «ЧИН МУ- ХАББАТ» (17, 19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КАК- КУ ҚУШ УЯСИ УЗРА ПАРВОЗ» (17, 20.00) «КАМИЛА» (жуфт соатларда).

Нукус — «ҚОНУНДАГИ УҒ- РИЛАР» (17, 19, 21.00).

Восток — «КИНГ-КОНГ ТИ- РИК» (18.30, 20.40).

17 ФЕВРАЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМАР:

Тошкент Советининг 50 йил- лиги — «МЕНИНГ ИСИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «КИНГ-КОНГ ТИ- РИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Қозоғистон — «МЕНИНГ ИС- МИМ АРЛЕКИНО» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

Искра — «ТҮРТ ОҒАЙНИ» (11, 14, 17, 20.00).

К. Ерматов номи — «АНГ, СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛАНДИ» (11, 14, 17, 20.00).

Москва — «КАМИЛА» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40); «ЧИН МУХАББАТ» (11,13, 15, 17, 19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КАК- КУ ҚУШ УЯСИ УЗРА ПАРВОЗ» (11, 14, 17, 20.00); «КАМИЛА» (жуфт соатларда).

Нукус — «ҚОНУНДАГИ УҒ- РИЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Восток — «КИНГ-КОНГ ТИ- РИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Автомат-жавоб берувчи те- лелефонлар: К. Ерматов номи — 24-22-66. С. Раҳимов номи — 48-46-71.

ЎзССР 25 йиллиги номи — 53-98-50. Нукус — 46-70-69. Ҳамза номи — 91-10-51. М. Шайхоева номи — 42-39-74.

Кинотомошбиларга кино хизмати кўрсатиш маданияти- ни яқшилатиш, кўрсаткичи би- лан боғлиқ таклиф ва исте- клар юзасидан Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Бош маданият бошқармасига 33-37-11 телефони бўйича қўнғироқ қилинсини.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ» В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

17, 18, 19 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА «СЕВИГ ТАРОНАЛАРИ»

КАТНАШАДИЛАР: лирик хонандлар: АБДУРАУФ ОЛИМОВ (Ленинобод), МАХМУДУД АЗИМОВ, ҚОДИР МИРАШУРОВ, БАХТИЁР ХОЛХУҲАЕВ; I Бутуниттифоқ «Янги овозлар» эстрада конкурсининг лауреати

ЮЛДУЗ УСМОНОВА.

РАҚСОЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзе- бистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Зийда МАДРАҲИМОВА, Уғлилу МУҲАМЕДОВА, Гулчехра ФӨЗИЛЖОНОВА.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Ўзбеки- стон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ОДИЛ КА- МОЛХУҲАЕВ.

ПРОГРАММАНИ ОЛИБ БОРАДИЛАР: IV акция ва қизқичлар конкурсининг лауреати ОБИД АСОМОВ ва БОТИР МУҲАММАДХУҲАЕВ.

Постановачи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Дав- лат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ. Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ

ТУРИСТИК ПОЕЗДЛАРДА САФАРГА ЧИҚИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Туристтик поездларда сафар қилишни яхшиси «Гилди- рақлардаги турбоаза» деб аташ маъқулроқдир. Бу ерда ҳамма нарсга худди ҳақиқий туристик базадагидек: шу ерининг ўзида овқатланилади, экскурсияларга чиқилади, ма- даний-программадан баҳраманд бўлилади. Фақат ўртада- ги фарр шундани, бу туристик база ҳар куни ўз адресини ўзгартириб туради, у мамлакатимиз, республикамизнинг турли шаҳарларида тўхтаб ўтади, олис масофаларга эл- тади.

Бундай поездлардаги саёбат Тошкент шаҳридан бош- ланиб ва яна шу ерда тугайди.

ТОШКЕНТ ТУРИСТИК ПОЕЗДИ ЗАКАВКАЗЬЕ ЙЎЛАРИДА

Тошкент — Харьков — Киев — Львов — Ужгород — Мукчаево — Рахов — Черновци — Кишинев — Одесса — Волгоград — Тошкент, 30 мартдан 18 апрелгача. Ба- ҳос — 272 сўм.

ТУРИСТИК ПОЕЗДИ ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА — ФРУНЗЕ — ТОШКЕНТ маршрутида, 10 мартдан 13 мартгача; 23 мартдан 28 мартгача. Баҳоси — 72 сўм.

«РОҲАТ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИ (Урганч-Бухоро-Са- марқанд), 5 кунга, 20 февралдан 25 февралгача; 26 фев- ралдан 3 мартгача, 3 мартдан 8 мартгача, 9 мартдан 14 мартгача, 15 мартдан 20 мартгача. Баҳоси — 73 сўм.

«ДИЛБОР» ТУРИСТИК ПОЕЗДИ (Бухоро-Самар- қанд) 4 кунга, 3 мартдан 6 мартгача, 8 мартдан 11 мар- тгача, 17 мартдан 20 мартгача, 31 мартдан 3 апрелгача.

Йўлда юриш, овқатланиш, жойлашни ва экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари пўтевка қиймати кирди.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин. Тошкент шаҳри, 1-лоқла бўлими, Навоий кў- часи, 69 «а» уй (меғронинг «Пахтакор» станцияси). Tele- фон: 44-11-97.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ РСФСР ВА УКРАИНА ҚОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ҚУРИЛИШЛАРИГА

ИШЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

— Ленин комсомоли номи Москва автомобиль заво- дида.

— Свердловск камволь комбинатида.

— «Запорожэлектромонтаж» трестига, Запорожье шаҳ- ри, Электриқлар, электромонтажчилар таклиф этилади.

— «ЗАПАРОЖПРОМСТРОЙ» ТРЕСТИГА, Запорожье шаҳри. Қурйилиш ижтиссолинига эга бўлганлар таклиф эти- лади.

Меҳнат шартномаси муддати — 1 — 2 йил.

«Томлеспром» бирлашмасига мавсумий ишга эркак- лар таклиф этилади.

Меҳнат шартномаси муддати — 6 ой.

Меҳнат шартномаси тузувчиларга бир марта берилади- ган нафақалар, темирйўлда юриш йўқира қақи ва йўл- да бўлган вақт учун суткалик ҳақ тўланади.

Справкалар ва ишга йўлланма учун қуйидаги адрес- га мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кў- часи, 64-уй ва ишга жойлаштириш бўйича район бўли- млари.

Реклама ва эълонлар

Овчилар ва балиқчилар жамиятининг аъзолари даъ- қатиға!

Тошкент шаҳри овчилар жамияти ҳар кун (йқшанба- дан ташқари) соат 9 дан 18.00 гача 1988 йил учун аъзолик бадаллар